

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 11-iyul, payshanba 47 (9014)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль кун суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Суғурта хизматлари иқтисодий турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас. Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари-

дан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда миқозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир. Йиғилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилди. Соҳага назоратчи эмас, илгор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб,

суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак, деди Шавкат Мирзиёев. Шу боис ушбу инспекцияни тугатиб, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этиш тақлиф қилинди. Мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмининг 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди. Аввало, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта даъволарини кўриб чиқиш

муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шугулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди. Иқтисодий тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қиш-

лоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди. Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илгор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда солиқ сибсатини такомиллаштириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сибсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинadиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди. Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфйена айлангани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикасини солиқ сибсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.
2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб: қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисоба олишнинг шартли ҳисобланади; қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охириг 12 ойда харид қилинган товар-моддий захираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисоба олинади; қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой бошланғичидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.
3. Қуйидагилар: **Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ; **Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"** (кейинги ўринларда – "Йул харитаси") 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, "Йул харитаси"да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратилadиган бюджет маблағлари, Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. (Давоми 2-саҳифада)

Амалий семинар

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги экинларидан кўзланган ҳосилни олиш кўп жиҳатдан сувга боғлиқ. Яъни юқори ҳосилга эришишда томчилли тиллога тенг обихаёт беҳуда оқизилмаса, ушбу мақсадга эришиш мумкин. Шу боис, мамлакатимизда мавжуд сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш устуворлик касб этади.

Сув тежовчи технологиялар – ТЕЖАМКОРЛИК ВА ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратиб берилиши белгилаб қўйилган. Қарорда беолгиланган имкониятлар асосида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги алоқадор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда республикада биргина пахтачилик соҳасида 12121 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, 20 минг гектардан зиёд интенсив боғ ва тоқзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш кўзда тутилган. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, республикада ишлаб чиқариладиган томчилатиб ва бошқа сув тежовчи суғориш технологиялари ускуналари билан соҳа мутахассислари, фермер хўжалиқларини янада кенгроқ таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича республика ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг беғараз кўмаги асосида молиялаштирилadиган Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда соҳага алоқадор вазирлик, идоралар вакиллари, олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув хўжалиги ташкилотлари мутахассислари, фермерлар, сув истеъмолчилари уюшмаларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. (Давоми 2-саҳифада)

Учқўрғонда кичик гидроэлектростанциялар каскади ишга тушди

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ томонидан Наманган вилояти Учқўрғон тумани Катта Фарғона каналида қуриладиган кичик гидроэлектростанциялар каскади ишга туширилди.

Бунинг натижасида Наманган вилояти йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 72,89 миллион кВт.с га оширишга эришилади. Бу эса, 48 минг хонадонни ёки вилоятнинг Учқўрғон тумани узлуksиз экологик тоза ва қайта тикланувчи электр энергиясини тўлиқ таъминлашга имкон беради. Лойиҳанинг умумий қиймати 31 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг 22,3 миллион АҚШ доллари тенг қисми "Ўзбекгидроэнерго" АЖ, қолган қисми эса Хитойнинг "Эксимбанк" ҳисобидан қопланди. Ҳозирги кунда кичик ГЭСлар каскадида сув борувчи каналнинг икки қирғоғига 3 минг тупдан зиёд мевали, 200 тупдан зиёд манзарали дарахтлар экилиб, мазкур ҳудуд ободонлаштирилди. Катта Фарғона каналидаги кичик



ГЭСлар каскадининг ишга туширилишига бағишланган тантанали тадбирда ҳукумат вакиллари, ГЭСни қуриш-монтаж ишларида иштирок этган корхоналар, шунингдек, ҳамкорлардан Хитой Халқ Республикаси вакиллари иштирок этди. Расмий очилиш маросимидан сўнг кичик ГЭС каскадини ишга тушириш бўйича рамзий тўғма босилди ва кичик ГЭСлар каскади ишга тушди. Сўнг меҳмонлар қурилган замонавий бунёдкорлик иншооти билан яқиндан танишдилар. Гидроэнергетика соҳасида бошланган ислохотлар ва олиб бориладиган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари аҳоли ва саноат тармоқларининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, янги бунёд этиладиган ГЭСлар энергия манбаи бўлиш билан бирга қўллаб янги иш ўринларига ҳам замин яратади. Ўз мухбиримиз.

Устоз кўрган инсон ҳаётда қоқилмайди



Халқ ирригациясининг ноёб дурдонаси бўлмиш Катта Фарғона канали қурилиши бундан саксон йил аввал, июль ойи охирида бошланган эди. Водий деҳқончилиги ривожда, айниқса, Марказий Фарғона чўллариини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб келадиган мазкур каналдан фойдаланиш учун қўллаб гидротехника иншоотлари барпо этилган бўлиб, Куйганёр тўғони алоҳида ўрин тутди. Маълумки, Учқўрғондан бошланган канал сувни Қорадарёга ташлайди. Куйганёрдаги тўғон эса сувни Катта Фарғона каналига йўналтиради. Табиий ва инсон омиллари билан боғлиқ ҳолатлар боис, 2018 йилда бош тўғонда авария ҳолатини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятлар кўзга ташланди. Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги лойиҳалаш ташкилотлари жамоалари ҳақиқий воқеликни қайта-қайта таҳлил этишди. Негаки,

капитал таъмирлаш бўйича қарор қабул қилинса, Куйганёрдан то Бешариққача бўлган ҳудудлардаги экин майдонлари барқарор сув таъминотидан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Ҳўш, соҳа мутахассисларининг фикри-зикрини жиддий банд қилган Куйганёр тўғони қай йўсинда барпо этилган? Сув хўжалиги фахрийси Файзулло Шохўжаев ҳам эксперт сифатида борки маслаҳат-йиғинларида иштирок этиб, илмий адабиётларни варақлашдан чарчамади. 1948 йили сув хўжалиги бўйича йирик олим ва тадқиқотчи В. А. Замариннинг "Гидротехника иншоотлари" китобида айна Куйганёр тўғони билан боғлиқ вазият қайд этилган экан. (Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

а) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасига қуйдагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солигини қайтариш ("tax free") тартибини белгилаш; солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали қамайтиришни назарда тутувчи "инвестициявий солиқ кредитлари" институтини жорий этиш;

солиқ тўловчи — юридик шахс ёки яқка тартибдаги тadbirkor унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисmini тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг содда-лаштирилган тартибини жорий этиш;

юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тadbirkorлар томонидан солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадида ялли тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга (булиниш, янги тadbirkorлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш чораларини кўриш, мазкур ҳолатлар аниқланганда тўловчи лозим бўлган солиқлар суммасига давлат солиқ хизмати органлари томонидан тузатиш киритиш ва уларни суд тартибда ундириш механизмларини жорий этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимда маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини

(кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда "UzTrans" ягона интерактив ахборот тизими базасида қуйдагиларни таъминлайдиган "Юк ташишлар мониторинги" ахборот платформасини (кейинги ўринларда — Ахборот платформаси) ишлаб чиқишни таъминласин:

юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (счёт-фактура (инвойс), юк хати ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказиш;

юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимда товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб: Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тadbirkorлик субъектларини молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмайди;

юк ташувчи тadbirkorлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда: ҳўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин; онлайн назорат-қоса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солигининг бир қисmini

қайтариб бериш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб: давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги (KPI) кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, муқофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимини жорий этсин;

Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан биргаликда инсофли тadbirkorларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида "Чекни талаб қил ва совға ютиб ол" оммавий акциялари ўтказишнинг ташкил этсин;

в) Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин ҳамда Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доира ва хорижий экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини кенг жалб этган ҳолда жойларда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2019 йил 10 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

(Боши 1-саҳифада)
"ECO DRIP LUX"
КОМПАНИЯСИ

Иштирокчилар дастлаб Тошкент туманининг Ҳасанбой қўрғонида жойлашган, сув тежовчи технологияларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқараётган "ECO DRIP LUX" компанияси фаолияти билан танишди. Семинарнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида суғориладиган майдонлардан олинган ҳосил миқдорини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдирish орқали аҳоли турмушини янада яхшилаш боғлиқ сарфлари самарали ишлаб амалга ошириладиганлигини таъкидладилар.

"ECO DRIP LUX" масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда томчилатиб суғориш технологияси ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналардан биридир.

2011 йилда ташкил этилган мазкур корхонада қишлоқ ҳўжалиги экинларини томчилатиб суғориш тизими учун полиэтилен шланглар, турли ҳажмдаги фитинглар, полиэтилен қувурлар, геомембралар ва тез йиғилувчи модул спринклерлари каби импорт ўрнини босувчи 800 турдаги маҳсулот бешта бренд остида ишлаб чиқарилмоқда. Корхона йилига 80 минг гектардан зиёд пахта, сабзавот, боғ ва тоқзорлар учун томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда корхонада 100 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

Шундан сўнг семинар қатнашчилари вилотнинг Янгийўл туманида жойлашган, галла, картошка, сабзи, ерғоққа каби қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослашган "Агровер" МЧЖнинг картошка экин майдонларида жорий этилган ёмғирлатиб суғориш технологияси билан танишдилар. Бу ерда суғориш ишлари АҚШнинг "Reinke" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган "Пивот" ҳамда "Спринклер" турдаги ёмғирлатиб суғориш технологиялари орқали амалга оширилмоқда.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР -
ТЕЖАМКОРЛИК ВА
ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ёмғирлатиб суғориш технологиясининг афзаллиги шундаки, суғориш ишлари тўлиқ автомат тарзда амалга оширилади. Бунда эҳтиёжга қараб суғориш меъёрини қамайтириш ёки қўлайтириш орқали тупроқнинг намиқлиш чуқурлигини ўзгариши мумкин. Шунингдек, ёмғирлатиб суғорилганда, далада микроклимат яратилиб, экиннинг жадал ўсиб-ривожланишига қўлай шароит яратилади. Бундан ташқари, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситаларни сувга қўшиб бериш ҳам мумкин. Далада суғориш эгитлари ва ўқариклар олишга зарурат тўғилмайди.

Оқова сувлар бўлмаганлиги туфайли, далани кам меъёردаги сув билан ҳам сифатли суғоришга эришилади. Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилиб, ердан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Айни пайтда ишчи кучи ва сарф-харажатлар бирмунча тежалди.

Ҳозирда "Агровер" МЧЖнинг 1,5 минг гектардан зиёд картошка майдони ёмғирлатиб суғориш тизими жорий этилган бўлиб, гектаридан 45 тоннадан ортиқ ҳосил олишга эришилди.

ХИТОЙ ТОМЧИЛАТИБ
СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Куннинг иккинчи ярмида семинар Сирдарё туманидаги "Peng Sheng" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг замонавий инновацион томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган пахта майдонларида давом этди. Бу ерда 140 гектар майдонда Хитойнинг томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Бунда ҳар гектар ерга 16-18 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланган.

— Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, гўзани ҳар суғоришда гектарига 150-200 метр куб сув сарфланади, — дейди "Agrotekhnologi" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Бахтиёр Аҳмедов. — Шунингдек, суғориш давомида ҳар гектарига 350-400 килограмм мине-



рал ўғит берилади. Бундан ташқари, гўза қатор оралари культивация қилинмайди. Буларнинг барчаси миллионлаб сўм маблағни тежаш имконини бermoқда.

Мазкур ҳудудда гўза қатор оралари 76 см. схемада плёнка остига апрель-май ойларида экилган. Бугунги кунга қадар далада 3 марта суғориш ишлари амалга оширилди. Гўзани чеканка қилишга 6 июлдан тўлиқ киришилди. Ушбу майдондан 50 центнердан ортиқ хирмон кўтариш режалаштирилмоқда.

Қўшма корхона қўшиқдаги томчилатиб суғориш усули жорий қилинган "Сирдарё каттон кластер" корхонасида ўтган йили

50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ортиқ сифатли ҳосил териб олинди. Аҳамиятисини, шунча майдонда гўза парвариши билан бор-йўғи 2-3 нафар ишчи шугулланди.

— Жорий йилда 140 гектар майдонда гўзани томчилатиб суғориш технологиясини қўллаяпмиз, — дейди "Сирдарё каттон кластер" корхонаси раҳбари Бахтиёр Аҳмедов. — Бу усул сувни, сарф-харажатларни тежаш билан бирга, меҳнат сарфини ҳам кескин қамайтиради. Ҳозир 140 гектарлик даламизда 15 нафар суғорчи ишлаяпти. Ҳосил ривожини оддий усулда гўза парваришланаётган даладагидан

"Uzgumi" стимуляторининг
афзаллиги нимада?

"Uzgumi" "TBS Group" МЧЖ томонидан Ангрен кўмир кони қолдиқлари асосида ишлаб чиқарилган, суяқ шаклдаги иммуностимулятор экологик безарар зумин кислоталари бирикмасидан иборат. Ўсимлик уруғига ва унинг вегетация даврида қўлланиладиган мазкур воситани турли нестицидлар ва агрокимёвий воситалар билан қўшиб ишлатиш мумкин.

Унинг гўзадаги биологик самарадорлиги Тошкент вилотининг типик бўз ва Жиззах вилотининг кучсиз шўрланган ўтлоқи бўз тупроқларида 2012-2014 йилларда ўрганилди. Тошкент вилоти шароитида гўзанинг "Анджон-37", Жиззах вилотида "Ан-Боевут-2" навларида тадқиқотлар олиб борилди. Чигитни экишдан олдин 0,6, 0,7 ва 0,8 л/т меъёрида, гўзанинг шоналаш ва гуллаш даври бошида 0,3-0,4 л/га меъёрида қўл пурақигада гўзанинг ривожланиш даврига мос равишда 300 ва 500 л/га сувга аралаштирилиб сепилди. "Uzgumi" ни таққослаш учун чигитга ишлов беришда "Далброн" уруғдорини 6,5 кг/т ҳамда "Uzgumi" ни карбамид суспензияси ва инсектицидлар билан аралаштирилиб қўллаш усуллари ҳам ўрганилди.

Қўшимда тезлашган гўза навларини танлаш, парваришлар, интенсив агротехник тadbirkorлар ердамида эртаги пахта ҳосилини етиштириш гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан чигитга ва гўза ўсимлигига "Uzgumi" стимулятори билан ишлов беришнинг чигит униб чиқиши, гўзани ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш устида изланишлар олиб борилди.

Чигитнинг униб чиқиш даражасини аниқлаш учун ҳисоблашлар ўтказилди. Тошкент вилоти шароитида "Анджон-37" навли чигитнинг униб чиқиш нозорат вариантларида 73,5, "Далброн" 6,5 кг/т меъёрида ишлов берилганда 81,1 "Uzgumi" нинг 0,6-0,8 л/т меъёрида 82,7-90,8 % ни ташкил этди ва стимуляторлар таъсирида чигитнинг униб чиқиши 9,2-17,3 % тезлашди ҳамда энг юқори кўрсаткич "Uzgumi" 0,7 л/т меъёрида қўлланганда 90,8 % га тенг бўлди. Шунга ўхшаш кўрсаткичлар тажрибанинг 2013 ва 2014 йилларида ҳам қайд этилди ва чигитнинг униб чиқиши 2013 йил 72,3-90,4 %, 2014 йил 73,6-93,0



фоизни ташкил этади. Таъкидлаш лозимки, "Uzgumi" билан 0,6-0,7 л/т меъёрида ишлов берилганда юқори натижаларга эришилди. Чигитнинг униб чиқиш даражаси нозорат вариантларида 74,5, "Далброн" 78,7, "Uzgumi" 83,7-89,7 % бўлиб, "Uzgumi" билан ишлов берилганда нозоратта нисбатан чигитнинг униб чиқиши 9,2-15,2 % тезлашган.

Тажрибада ниҳолларнинг гоммоз касаллиги билан зарарланиш даражаси ҳам аниқланди. Унга кўра, тажриба вариантлари гоммоз билан 0,1-1,3 % зарарлангани ҳолда стимуляторлар қўлланилганда камроқ зарарлангани кузатилди.

Таъкидлаш лозимки, Жиззах вилотининг шўрланган тупроқларида 2012 йил ўтказилган тажрибада "Ан-Боевут-2" навли чигити "Uzgumi" билан ишлов бериб экилганда, нозоратта нисбатан 1-2 кун эрта униб чиқди. Назорат вариантларида 43,6 % чигит униб чиққан бўлса, "Далброн" қўлланилганда 46,1 %, "Uzgumi" да 53,4-71,3 фоизни ташкил этди ва "Uzgumi" нинг 0,7-0,8 л/т меъёрида нозоратта нисбатан 15,2-27,7 % юқори бўлган.

Тажрибада "Uzgumi" стимулятори гўзанинг ривожланиш даврини жадаллигига таъсири чигит униб чиқиш давридан то ҳосили пишиб етилишига қадар бўлган муддатларда аниқланиб борилди. "Uzgumi" билан чигитга экиш олдида ва вегетация даврида гўзага ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши нозоратта нисбатан 1-2 кунга, 1-чин барг чиқиши 2-3 кунга, 5-6 чин барг чиқиши 1-2 кунга, шоналаш даври 3-4 кунга, гуллаш даври 2-4 кунга, пишши даври 4-5 кунга тезлашгани аниқланди. Яъни "Uzgumi" стимулятори аусинлик хусусиятини намоён этиб, гўзанинг ривожланиш давларини 1-2 кундан 4-5 кунгача жадаллаштирди.

Ушбу восита қўлланилган вариантларда чигитнинг униб чиқиши даврида назоратдан 26 ОС, 1-чин барг чиқишида 20 ОС, шоналаш даврида 38 ОС, гуллаш даврида 59 ОС, пишши даврида 70 ОС камроқ фойдали ҳарорат олинган бўлса-да, ушбу ривожланиш давлари гўза ўсимлигида эрта бошланди ва гўзанинг ўсиб, ривожланиши тезлашгани кузатилди. Бу эса "Uzgumi" стимулятори таъсирида гўза онтогенезида физиологик жараёнлар, жумладан, гўзанинг ривожланиш давлари жадаллашганини исботлайди.

Шундай қилиб, "Uzgumi" стимулятори билан чигитга ҳамда шоналаш-гуллаш давларида гўзага ишлов берилса, ривожланиш давлари 1-5 кунга тезлашади.

Таъкидлаш лозимки, тажриба ўтказилган йилларда Тошкент ва Жиззах вилотлари тупроқ иқлим шароитларида "Uzgumi" стимулятори билан чигитга экиш олдида 0,7-0,8 л/т ва гўзанинг шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даври бошида 0,4 л/га меъёрида ишлов берилганда, гўзанинг ўсиши ва ривожланишига иқлим таъсири кўрсатиб, ўсимлик бўйи 3,5-12,8 см, кўсақлар сони 0,7-2,4 донага ортан ҳамда кўсақларнинг очилиши 7,4-18,1 % тезлашган.

Ойрасини айтганда, Республикаси шароитида гўза парваришида инновацион технология сифатида "Uzgumi" стимулятори қўллаш яхши самара беради. Бунда чигитни экиш олдида 0,7-0,8 л/т меъёрида ишлов бериш ва гўзани шоналаш даврида 0,3 л/га ва гуллаш даврида 0,4 л/га меъёрида сепиш чигитнинг униб чиқишини 10-15 % тезлаштиради. Ўсимликнинг ўсиб, ривожланиши жадаллашади, ҳосилдорлик 4,3-5,4 ц/га юқори бўлади.

Интизор БОҚИЕВА

нинг умумий ер майдони 11 минг 300 гектарни ташкил этади. Ушбу кластерда қишлоқ ҳўжалиги экинларини сув билан таъминлашда замонавий, автоматлаштирилган, юқори самарадор комплекс суғориш тизими — Пульсар (ёпиқ қувур орқали) технологияси жорий қилинган. Мазкур инновацион технологияни 2,2 минг гектар майдонда жорий қилиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу тизимда далага сув суғориш манбаидан ер ости ёпиқ қувур тизими орқали етказиб берилиши ҳисобига сув сарфи 30 фоизгача тежалди.

Бунда далада ер ости ва устки қувурлар, гидрант, автомат бошқариш тизими, назорат ўлчов асбоблари ўрнатилиб, шунинг билан бирга, ўқариклар ўрнига фойдаланиладиган эгилувчан қувурлар ҳисобига сарфланадиган сув меъёри ҳамда меҳнат харажатлари қисқаради.


Семинарнинг яқини манзили Пахтакор туманида жойлашган "Яз Бекзод" фермер ҳўжалиги бўлди. 2000 йилда ташкил топган ҳўжаликнинг умумий ер майдони 540 гектарни ташкил этиб, жорий йилда шунинг 210 гектариди гўза парвариш қилинмоқда. Ҳозирги кунда ҳўжаликда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, 1-суғориш ишлари олиб бориляпти.

Бундан ташқари, ушбу фермер ҳўжалигида гўзани кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими ҳам жорий қилинган.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2025 йилга қадар томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларни 200 минг гектар, кейинги 10 йилда 1 миллион гектарга етказиш режалаштирилган эътиборга молик. Зеро, бизда энг қўп сув сарфланадиган тармоқ айнан қишлоқ ҳўжалигидир. Шундай экан, соҳада сув ресурсларидан тежаб-тежаб фойдаланиш, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбирлари.ПУЛЬСАР
ТЕХНОЛОГИЯСИ

Шундан сўнг қатнашчилар Жиззах вилоти Пахтакор туманидаги "Silverleaf BMB Agro Trade Group" Ўзбекистон-Америка қўшма агрокластерига ташриф буюрди. Кластер-



Қарши давлат университетининг рўбаросида янги маърифат тўлими бўлган китобхона мўъжизат ўрнатилди. Маъмур мўъжизат қўйилган жойда мамлакатимиз бўйлаб биларни китобхоналикка жалб этиши борасида олиб бериладиган кенга қўламли ишларнинг мантиқий давомидир десаг, хато бўлмас.

Хоразм вилояти

Катқалъага кўк қарға қайтди

Хоразмда узоқ тарихга эга бўлган қалъалар кўп. Уларнинг кўпчилиги Шовот туманида жойлашган. Ўзининг тарихийлиги ва қадимийлиги билан ажралиб турувчи қалъалардан бири қадимий Кат қалъаси ҳисобланади.

Салкам 10 гектар майдонни эгаллаган ушбу қалъадан қанчадан-қанча аждодларимиз бош-пана сифатида фойдаланган. Қалъанинг пайдо бўлиши эраимиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Айтишларича, ҳозирги қалъа эса учинчи марта қурилган қалъанинг харобаларидир.

Хива хони Анушахон (1663-1683) томонидан қайта қурилган қалъада 1960 йилларгача одамлар истиқомат қилиб келишган. Ундан кейинги даврларда қалъага эътибор сусайиб, хароба аҳволга келиб қолган.

Илҳом Пиров билан қалъа ичини айланарканмиз, ҳаёлан қалъада одамлар яшаган даврларга қайтамиз.

— Мана бу ерда катта ибодатхона бўлган, унинг сал нарисиди қозихона ва қалъа бегининг ўрдаси жойлашган, — дейди Илҳом ога кўли билан кўрсатиб. — Анави бурчагида иккита кудуги бўлган.

Кўҳна қалъа харобалари устига кўк қарға келиб кўнди ва эътиборимизни тортиди. Илҳом ога мени дарров суратга олишга ундади. Мен ҳам бу ноёб қушни анчадан бери кўрмаган эдим. Дарҳол суратга олдим. Гарчи кўк қарға биздан 50-60 метрлар узоқда бўлсада икки



марта суратга олишга улгурдим.

Ушбу қуш Европа, Осиё ва қисман Африканинг шимолида тарқалган. Ўзбекистонда кўк қарға август ойларининг ўрталаридан бошлаб қишлаш учун иссиқ ўлкаларга учиб кетади ва апрель ойининг ўрталарида яна қайтиб келади. У боғлар, тўқайзорлар, чўл ва жарларни макон туттади. Уясини жарлардаги ковакларга, кудук деворларига, иморатларнинг тешикларига қуради. Май ойида 5-6 донга тухум қўяди. Тухумдан чиққан палопонларини эркаги билан бирга боқади. У ниначи, кўнгиз, чигиртка ва бошқа ҳашаротлар билан озиқланиди.

— Илгари бу жойларда кўк қарғалар жуда кўп бўларди, — дейди шу ерлик Олимбой ота. — Яқин беш-олти йил ичида умуман кўринмай қолган эди, яна келибдида.

Ҳа, қадимий Катқалъага яна кўк қарға келди. Бу балки яхшиликдан дарақдир? Уйла-мизки, яхшиликлар эш бўлиб, мутасаддилар кўҳна қалъага эътибор қаратадилар. Катқалъанинг обод бўлиши улуг аждодларимиз руҳига ҳурмат бўлса, сайёҳларнинг келиши даромад манбаидир.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

«Ўзагротексаноаткорнинг» АЖ тизимидаги «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» акциядорлик жамияти

куйдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини
буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434-й.
Мулжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. info@TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама



PROMZONA LEASING

Куни-тун: 71-280-00-71
promzona.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

TTZ-LS I38, TTZ-LS U62
мини тракторлари

Йилига 2%дан
лизингга

Хизматлар лицензияланган

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х. 80.1. 82.1. 1025.2. 1221.2
- «Беларусь» тракторлари эхтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдураул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 978-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-725, ҳажми 2 босма табоқ
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-й.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 723 нусхада chop этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.40

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

12 4 5 6